

ШАРТНОМА № 10

(20.05.2022 йилдаги №85803 сонли конкурс лотга асосан машина ва механизмларда хизмат кўрсатиш тўғрисида)

Фарғона шаҳар

2022 йил «20» Май

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўз Низомига кўра фаолият кўрсатувчи вакил А.Зикрияев (Кейинги ўринларда БУЮРТМАЧИ деб номланади) бир томондан ва “Кузмонбой Қобилжон транс” хусусий корхонаси ўз Низоми асосида иш юритувчи жамият раҳбари М.Мирзахмедов (кейинги ўринларда «БАЖАРУВЧИ» деб номланади) иккинчи томондан бўлиб қуйидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ»га Механизм ва юк ташувчи транспортлар (кейинги ўринларда транспорт деб номланади) учун буюртма беради. «БАЖАРУВЧИ» буюртмага биноан механизм ва транспорт воситалари ажратади.

2. Томонлар мажбуриятлари

2.1 Томонлар шартномани амал қилиш даврида қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.

а) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюрмасига асосан техник жихатдан соз машина-механизм ҳамда транспорт воситаси ажратади;

б) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва ҳаракат хавфсизлиги коидаларига тўла жавоб беришни;

г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар бўйича бирламчи ҳужжатларни расмийлаштиради ва тасдиқлаш учун «БУЮРТМАЧИ» га тақдим қилади;

д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

е) «БУЮРТМАЧИ» кўрсатилган хизматлар учун “БАЖАРУВЧИ” га хизмат хақини тўлаш.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг “БУЮРТМАЧИ” « БАЖАРУВЧИ » ҳисоб рақамига олдиндан шартнома қийматининг 30 % микдорига пул ўтказиб беради.

3.2. Шартномага асосан кўзда тутилган хизматларнинг тахминий қиймати амалдаги нархларда 293 000 000 (Икки юз тўқсон уч миллион) сўмни ташкил этади.

3.3 Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив ҳужжатларга асосан ўзгариши мумкин.

3.4 Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб механизмларга мото/соат, юк ташувчи транспортларга тн/км ҳисобида ҳақ тўланади.

3.5 Кўрсатилган хизмат хақини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11-июндаги «Қурилишда амалдаги нархларни асосли аниқланишини таъминлаш тўғрисида»ги №261 сонли қарори, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 15-декабрдаги №75 буйруғи билан тасдиқланган «Қурилишда ташишлар таннархини ва машина механизмларини амалдаги нархларини аниқлаш методик қўлланмаси» бўйича аниқланган нархларга асосланилади ва шунга кўра томонлар ўртасида (1-илова) келишув баённомаси тузилади ёки «БАЖАРУВЧИ» тақдим этган тегишли органлардан экспертизадан ўтказилган нархнома (калькуляция) лар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва бу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3.6.« БАЖАРУВЧИ » ҳисобот ойининг 28 санасигача ҳисоб-фактура орқали кўрсатилган транспорт ва механизм хизматини «БУЮРТМАЧИ»га тақдим қилади.

3.7.Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ҳар чоракда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади.

3.8.« БАЖАРУВЧИ » нинг транспорт ва механизмларга «БУЮРТМАЧИ» томонидан сарф этилган ёқилги ва мойлаш маҳсулотлари суммаси « БАЖАРУВЧИ » тақдим қиладиган ҳисоб-варак фактурада чегириб ҳисоб-китоб қилинади.

4. Томонлар жавобгарликлари ва низоларни ҳал этиш тартиби

4.1 Ишлар, хизматлар кўрсатиш кечиктирилганлик ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кунга 0,4 фоиз микдорига пеня тўлайди, бироқ пеня микдори асосий қарзни 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

4.2.Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларин бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномвий-хуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкӣ жавобгар бўладилар.

4.5.Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиққан низолар ўзаро келишув йўли билан хал қилинади, ўзаро келиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги доирасида суд орқали хал этилади.

6. Шартноманинг амал қилиниши

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

6.2 Шартноманинг кучини йўқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни низога етказиб, хал қилиш учун таъсир қилмайди.

6.3 Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.Бошқа шартлар

8.1. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва тарафларда бир нусхадан сақланади.

Томонларнинг манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари.

«БУЮРТМАЧИ»

Фарғона туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Фарғона шаҳар, Мустақиллик кучаси 350-г
уй

Х/Р: 20210000900210835001, МФО: 00493

ИНН: 200197217, ОКОНХ: 61129

Миллий банк Фарғона бўлими

Директор: _____ А.Зикрияев

Баш ҳисобчи _____ Ш.Мамуров

Юрист: _____ Ж.Вахобов



« БАЖАРУВЧИ »

«Қўзмонбой Қобилжон транс» х/к

Фарғона тумани Гулшан ҚФЙ

Х/Р: 20208000204787418001

МФО: 01043 ИНН: 301228924

Капитал банк Фарғона филиали

Директор: _____ М.Мирзахмедов

